# Аллоҳим, дўзахдан паноҳ беришингни сўрайман

13:00 / 30.12.2019 3939

Абу Малийҳ оталаридан ривоят қиладилар:

Оталари бомдоднинг икки ракъат суннатини ўқиётганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бомдоднинг икки ракъат суннатини унинг ёнида енгил ўқиб, мана бундай дуо қилган эканлар:

اللهُمَّ رَبَّ جِبْرِيلَ وَإِسْرَافِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَمُحَمَّدٍ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَعُوذُ بِكَ مِنَ النَّارِ

**«Аллоҳумма робба Жибрийла ва Исрофийла ва Мийкаийла ва Муҳаммадинин набийийи соллаллоҳу алайҳи васаллам, аъузу бика минан нар». «Аъузу бика минан нар»**ни уч марта айтдилар.

*Маъноси:* Эй Жаброил, Исрофил, Микоил ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг робби бўлган Аллоҳим, Сендан дўзахдан паноҳ беришингни сўрайман.

*Ибн Сунний ривоятлари.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***